



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 6 июль, № 132 (5552) • Жума

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Мамлакатимизда Маҳаллий-лаштириш дастури доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга ошириляётгани ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, кўшимча иш ўринлари яратиш имконини берапти. Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқариляётган энгил машиналар учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни ўзимизда тайёрлаш ҳажми йил сайин ортиб бораётгани бунинг исботидир.

Изчил ислоҳотлар ва иқтисодий салоҳият

Чуст туманидаги "Avto-sanoat plast" масъулияти чекланган жамияти — ушбу жа- раёнда фаол қатнашяётган корхоналардан бири. Утган йили фойдаланишга топширилган мазкур корхона пластмассадан ҳаво босими

худуддаги касб-хунар коллежларини тамомлаган 10 нафардан ортиқ ёшлар мо- харирлик билан бошқараётган эътиборга моликдир. — Чуст шаҳридаги сано- ат, транспорт ва алоқа касб- хунар коллежини транс- портчи мутахассислиги бўйича битирганман, — дейди куйиш мослама-

Маҳаллийлаштириш

орқали куйма (инжектцион) бутловчи қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Бу ерда дастлаб "Spark" русумидаги автомобилларга мўлжалланган шундай қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун ихчам технологиқ линия ўрнатилган бўлиб, у компьютер ёрдамида бошқарилади. Бундай сано- навий дастгоҳларни

си оператори Жўрабек Маҳ- мудов. — Ўқишни тамомла- шим билан янги очилган ушбу корхонага танлов асо- сида ишга қабул қилиндим. Андижондаги "Uzkoғam KO" корхонасида қайта тайёрлов- дан ўтганимдан сўнг хори- жий технологияда мустанқил ишлашни ўрганиб олдим. Автомобилсозлик саноат- нинг ўзига хос тармоғи



бўлиб, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб боришни тақозо этади. Айни шу тао- мил асосида фаолият юри-

таётган "Avtosanoat plast" корхонасида маҳсулот тай- ёрлаш ҳажми тобора ошиб борапти. Жорий йилнинг

биринчи ярмида Асакадаги заводга умумий қиймати 133,5 миллион сўмлик 7 минг тўпламдаги маҳсулот

етказиб берилгани ана шун- дан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Сурхондарё

Сариосиё туманидаги "Махсус қурилиш-таъмирлаш бутлаш" МЧЖда йилига 7 миллион дона пишик гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги линия ишга туширилди.

Қувват ошди, сифат яхшиланди

Ушбу лойиҳа корхонанинг 210 миллион сўмлик маблағи ҳисобига рўёбга чиқарилиб, цехлар замонавий технология ва ус- куналар билан жиҳозланди. Айни пайтда 10 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа аъзолари ойига 550-560 минг дона пишик гишт тайёрлаб, буюртмачиларга пешма- пеш етказиб бермоқда.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари- ни ривожлантириш ҳисобига 700 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Қашқадарё

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбир- корлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан 58 миллиард сўмлик кредит- лар ажратилиб, шундан 11 миллиард сўми озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқа- ришга мўлжалланган лойиҳа- лар рўёбига йўналтирилди.

Сармоёлар — кичик бизнесга

Хусусан, Қарши туманидаги "Азизбек Завкиев Жамшидович" масъулияти чекланган жамияти банкнинг 60 миллион сўмлик сар- мояси эвазига нон ва нон маҳсу- лотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган илгор технологиялар билан жиҳозланди. Хозир ўнга яқин киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада янги қувватларни ўзлаштириш ҳамда маҳсулот тур- ларини қўлайтириш бўлибда из- ланишлар олиб борилмоқда.

А. МУЎАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Тошкент вилояти

Юқори Чирчиқ туманидаги "Муҳиддин Усканбой" фермер хўжалиги аъзолари янги ташкил этилган интенсив боғдан илк ҳосилни узишди.

Янги боғнинг илк ҳосили

— Утган йили 10 гектар май- донда мевали боғ яратгандик, — дейди хўжалик раҳбари Тоҳир Тураев. — Шундан 4,5 гектари хо- риждан келтирилган гилос, олма, нок, олхўри кўчатларидир. Улар ши- фил ҳосилга кирди. Польша гилоси ва Сербия эрпагишар олмасидан нишона ҳосилни йиғиштириб олди.

Айтиш жоизки, янги боғни таш- кил этиш учун хўжалик ҳисобидан 150 миллион сўм сарфланди. Со- хиборлар яқин йиллар ичида ҳар гектар боғдан 70 тоннагача мева олишни мўлжаллашмоқда. Бу — ха- ражатлар тўла ўзини оқлаб, хўжа- лик ҳар йили ўртача 250 миллион сўм даромад кўради, дегандир.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимизда 5 июль куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг бизнес- форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамла- катнинг савдо-саноат, сармоя, энергетика, ма- шинасозлик, қурилиш, ах- борот технологиялари каби соҳалар учун масъул вазирилик ва идоралари, компания ва концернлари- нинг раҳбар ҳамда вакил- лари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси молия вази- рининг ўринбосари Баҳ- ром Ашрафзонов, Савдо- саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агент- ниң директорининг ўрин- босари Мин Хюн Чжон

мамлакатларимиз ўртаси- даги ҳамкорлик алоқала- ри барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бун- да икки давлат раҳбарла- рининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур бизнес-форум ўзаро сав- до-иқтисодий ва сармоя- вий алоқаларни янада ри- вожлантириш, давлат ха- ридлари тизимини тако- миллаштириш учун янги имкониятлар очиши қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Касаначилиқ фаолияти

хотин-қизлар бандлиги ва оилалар фаровонлигига хизмат қилмоқда

Маълумки, касана- чиликни ривожланти- риш орқали хотин-қиз- ларнинг бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалиқ бошқаруви органлари раҳбарла- рининг уни ривожланти- риш параметрлари таъ- минлашда муҳим рольни ўйнамоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан хо- тин-қизлар йирик сано- ташаббуси билан хо- тин-қизлар йирик сано- ташаббуси билан хо- тин-қизлар йирик сано- ташаббуси билан хо-

Маълумки, касана- чиликни ривожланти- риш орқали хотин-қиз- ларнинг бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалиқ бошқаруви органлари раҳбарла- рининг уни ривожланти- риш параметрлари таъ- минлашда муҳим рольни ўйнамоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан хо- тин-қизлар йирик сано- ташаббуси билан хо-

дан келиб чиқиб, ма- ҳалларимизда кичик корхоналар, аҳолига маиший хизмат кўрса- тиш шохчалари, тур- ли тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, янги касаначи- лик иш ўринлари яра- тилмоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан хо- тин-қизлар йирик сано- ташаббуси билан хо-

дастурлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга бино- ан, иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар рўйхати тузилиб, каса- начиликка йўналтири- ляётди. Ушбу саъй- ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртимизда оилавий бизнес, тад- биркорлик, миллий хунармандчиликни ри- вожлантириш ва бошқа манбалар ҳисобидан ҳам кўплаб иш ўринла- ри яратилиб, касаначи- лар меҳнатидан унум- ли фойдаланиляётга- ни, айниқса, эътибор- лидир.

(Давоми 2-бетда).

Имконият, имтиёз ва рағбат

Оилапарварлик — халқимизга хос фазилат. Ҳар бир ота-она фарзандининг бекаму кўст камолга етиши, ҳаётда муносиб ўрнини топиб, бахтли-саодатли умр кечириши учун бутун борлигини бағишлайди. Айниқса, хонадонда туғилган ўғил болани мард ва жасур, оила шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган таянч сифатида улғайтиришга интилади.

Қарор ва ижро

Чунки бундай ўғлонлар бир кун келиб жамиятнинг ҳақиқий суянцига, Ватаннинг муносиб ҳимоячисига айланади. Президентимиз таъкидлаганидек, ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она-юртнинг дунёда тенг- сиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, гурур ва ифтихори юксак бўлади.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафлари- да ана шундай фидойи йигитлар хиз- мат қилаётганидан барчамиз фخرлана- миз. Эндиликда уларга ҳавас қилиб, ҳар бир ёш ўз хоши-иродаси билан ҳар- бий хизматга бориш истагини билдира- ётгани эътирофга лойиқ. Бу аҳоли ора- сида миллий армиямизнинг нуфузи, обрў-эътибори юксалиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Ёши катталар яши эслашади. Ил- гари армияга қақуриув қозони келса, ўғлининг олис ўлкаларга жўнатилиши- ни ўйлаб, ота-оналар кўнглига ваҳима тушарди. Сабаби, хизмат жараёнида- ги носоглом маънавий муҳит, оғир ша-

роитдан кўплаб оилалар фарзандлари азият чекишар ва бу ҳол одамлар он- гида ҳарбий хизматга нисбатан сал- бий қарашларни шакллантирган эди. Мамлакатимиз истиқлолга эришиб, Қуролли Кучларимиз ташкил этилган, ахвол бутунлай ўзгарди. Энди қайси ота-она билан сўхбатлашманг, фарзан- ди миллий армиямиз сафларига қақи- рилганидан беҳад хурсанд эканлигини айтади. Айниқса, ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва кутиб олишга бағишлаб ташкил этиладиган тадбирлар бамисли байрамга айлана- ди. Ҳаммининг юз-кўзида ҳаяжон, хур- сандчилик шундоққина акс этиб тура- ди. Қасамёд қабул қилиш маросимла- ридаги кўтаринки кайфият эса бундан сира қолишмайди. Жорий йил "Ватан- га қасамёд" ҳайкали пойида ўтказил- ган ана шундай тантананда Пастдаргом туманидан келган Гулчехра Истамова- нинг кувончига шохид бўлгандик.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Миллатлараро дўстлик ва тотувлик — халқимизга хос азалий фазилат. Ана шу эзгу аъналаримиз истиқлол йилларида янада эъзоз ва сайқал топди. Бугун мамлакатимизда 100 дан ортиқ турли миллат ҳамда элат вакиллари бир

оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётгани, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларимиз юрт тинчлиги, Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келаётгани сўзимизнинг тасдиғидир.

Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ифодаси

Яқинда Тошкент вилоятида бўлиб ўтган "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенг- лик — тараққиёт омили" ма- зюидаги анжуманда ҳам худди шу жиҳатлар алоҳида тилга олинди. "Мустақкам оила йили" Давлат дастури дои- расида вилоят ҳокимлиги ҳамда Республика Байналми-

лал маданият маркази ҳам- корлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятда фаолият юритаётган 30 га яқин миллий маданий марказ- лар фаоллари, шунингдек, ди- ний идоралар, жамоат ташки- лотлари вакиллари иштирок этди. Анжуман "Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила" деб

номланган миллий маданият ва қадриятлар кўргазмаси билан бошланди. Унда худудда яшаётган турли халқларнинг миллий либослари, таом ва ширинликлари, уй-рўзғор ан- жомлари, осориатиқалар намойиш этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭКСПОРТ САЛМОҒИ ОШМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи чорагида Кўнғирот сода заводида

23150

тонна кальцийланган сода ишлаб чиқарилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Корхонада ушбу маҳсулотни тайёрлаш ҳажмининг муттасил ошириляётгани ёғ-мой ва тўқимачилиқ саноати, ойна ва ювиш воситалари ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бу муҳим хом ашёга бўлган ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш имконини бериши билан бирга, уни экспорт қилиш миқдорини ҳам тобора кўпайтираётди.

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йўналиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

Тадбирда жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ролини кучайтиришга берилган эътибор ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, бунда давлат органлари билан тенг ҳуқуқли ижтимоий шерикликни мустақамлаш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли кенг қатламлари ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Унда юртимизда мазкур соҳанинг кўп қиррали фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник ва иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг янги амаллари механизми яратилгани айтиб ўтилди.

— Истиклол йилларида республикамизда “учинчи сектор” вакилларининг кенг қўламли фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди, — дейди сенатор, парламент комиссияси аъзоси Ф. Абдураҳмонов. — Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган ғоя ҳамда таклифлар рўйи бу борадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Йўналишда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувват-

лаш Жамоат фонди томонидан жорий йил апрель — июнь ойларида ўтказилган грант танловлари якунлари муҳокама этилди. Ушбу танловлар фуқаролик жамияти институтларини ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг “Мустақам оила йили” Давлат дастури, худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир, албатта.

Бу борада самарадорликка эришишда тегишли ташкилот ва идоралар, ННТлар ҳамкорлигида кенг қўламли ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилгани, уларга малакали мутахассис-экспертлар жалб этилгани муҳим роль ўйнади.

Тадбирда белгиланган мuddатда эълон қилинган учта танловга қарийб 400 дан ортқ ННТдан 500 га яқин грант лойиҳаси келиб тушгани маълум қилинди.

Хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва худудий дастурларни амалга ошириш, ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узок қишлоқ худудларида оилавий бизнес, касаначилик, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг

иштироки йўналишида 210 дан ортқ “учинчи сектор” вакили 252 дан зиёд грант аризаси билан иштирок этди. Улардан ғолиб, деб топилган 54 тасини жами 770,7 млн. сўмга молиялаштириш бўйича қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилётган ислохотларнинг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билимларини оширишга қаратилган иккинчи йўналишда 152 таддан ортқ мустақил ОАВ субъектидан 166 та грант аризаси келиб тушди. Шулар орасидан 34 та лойиҳа ғолиб деб топилди, уларга 486 млн. сўмлик молиявий кўмак ажратилди.

Йўналишда учинчи республика грант танлови хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. У “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли-ий ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилди. Мазкур танлов манзили ижтимоий ҳимояни кучайтиришга кўмаклашиш, кам таъминлан-

ган оилаларнинг яшаш сифати ҳамда даражасини кўтариш, уларга бепул тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустақамлаш мақсадида уюштирилди.

Ушбу йўналишда 78 та “учинчи сектор” вакилидан келиб тушган 80 дан ортқ лойиҳа орасидан Парламент комиссияси томонидан 19 таси танлаб олинди. Мазкур лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 280,0 млн. сўм йўналтириш бўйича қарор қабул қилинди.

— Шу ўринда Савдо-саноат палатасининг “Бир тадбиркор — учта ҳамкор” ижтимоий аҳамиятли лойиҳаси хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, — дейди Жамоат фонди директори А. Тўраев. — Боиси, у ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, кам таъминланган оилалар аъзоларини оилавий бизнес ва тадбиркорликка жалб қилишга қаратилган. Бинобарин, ушбу лойиҳа молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Айтиш жоизки, Парламент комиссияси томонидан ижтимоий лойиҳаларнинг аҳамияти ва аниқ муаммони ҳал этишга йўналтирилгани, нодавлат нотижорат ташкилотларининг худуддаги маъвоки ва салоҳияти, ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш имконияти, лойиҳа бюджетининг шафқатлиги, ҳолислиги ва очиқлиги алоҳида эътибор қаратилган. Булар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини оширишда салмоқли ўрин тутмоқда.

Йўналишда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

С. МАХСУМОВ.

Изчил ислохотлар ва иқтисодий салоҳият

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, бу кўрсаткич йил охирига қадар 1,3 миллиард сўмликка етиши кутилапти. Чунки яқинда янги модификациядаги автомобиллар учун пластмасса бутловчи қисмлар тайёрлаш лойиҳаси доирасида қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилди.

Таъкидлаш керакки, Президентнинг 2009 йил 1 декабрдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори жамият равақи учун кенг йўл очиб берди. Қорхона жамоаси ушбу муҳим ҳужжатнинг изчил ижросини таъминлаш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, хусусан, 2013 йилда маҳсулот тайёрлашни беш баробарга кўпайтириш ниятида бор имкониятларни ишга солиб, меҳнат қилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ифодаси

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Семинарнинг илмий-амалий қисмида сўз олганлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўп миллатли халқимизнинг лойиҳа бюджетининг шафқатлиги, ҳолислиги ва очиқлиги алоҳида эътибор қаратилган. Булар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини оширишда салмоқли ўрин тутмоқда.

— Юртимиздаги миллатлараро тотувликка ҳар қанча ҳавас қилса арзийди, бундай бағрикенг дийр дунёнинг ҳеч ерида йўқ, — дейди Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази вилоят бўлими раиси Қудойберген Мирзамуродов. — Бу фақат меҳнат эмас, вилоятимизда яшаётган қозоқ миллатига мансуб юртдошларимизнинг ҳам кўнглидаги гап, десам, янглишмайман. Бугун вилоятимиздаги 60 та умумтаълим муассасасида дарслар қозоқ тилида олиб борилаётгани, шу тилда яна бир неча маҳаллий матбуот нашрлари чоп этилаётгани, жойлардаги миллий маданият марказларимиз фаолиятидаги эркинлик — буларнинг бари кадриятларимизнинг янада сайқал топиб бориши, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун хизмат қилмоқда.

Узига ҳос дўстлик ва бирдамлик байрамга айланган ушбу тадбир санъат усталари ҳамда вилоятдаги рус, корей, озарбайжон, қозоқ, украин, татар, уйғур миллий маданият марказлари қошидаги ижодий жамоалар томонидан тайёрланган бадиий-муслиқий дастур билан якунланди.

Ҳ. ШЕРАЛИЕВИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

— Ғўлим Жасурбекни ҳарбий либосда кўриб, бошим осмонга етди. У болалигдаёқ анча ҳаракатчан эди. Бир ишни бошласа, охирига етказмасдан қўймасди. Шу боис ҳам синовлардан муваффақиятли ўтишига астойдил ишонгандим. Фарзандларимиз юрт олдидаги бурчини сидқидилдан адо этса, ўзи севган касбини эғлаб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўйса, биз, ота-оналар

ган, садоқат ва матонатдан сабоқ берадиган чинакам ҳаёт мактаби — армияни ўтаб қайтганларга имтиёзлар янада кенгайтирилибди. Бу ёшларга “Менинг фарзандларим” дея юксак эътибор қаратаётган Юртбошимизнинг яна бир ғамхўрлиги, бағрикенглиги ифодасидир.

— Мен ҳам имтиёздан баҳраманд бўлганлардан бириман, — дейди Ўзбекистон миллий университетининг фалсафа факультети талабаси Маъруфхон Мусаев. —

Имконият,

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

ушбу бундан ортқроқ бахт йўқ. Жасурбекнинг келгусида олиий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга киришни ният қилганини эшитиб, хурсандчилигим икки қарра ортди. Ёшларга бу борада давлатимиз томонидан жуда катта имтиёзлар яратиб берилаётганидан хабардорман. Агар мuddатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлиги ишончини оқлай олса, ўғлим, шубҳасиз, ўз орузиغا етади.

Албатта, Гулнеҳра опа айтганидек, ҳар бир аскарнинг мuddатли ҳарбий хизматдан кейинги фаолияти ҳам доимий эътиборда. Хусусан, бу борада моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олиий ўқув юрталарига ўқишга киришда алоҳида имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлаштиришда уларга амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Куролли Кучларининг нудуфи ва обрўси аъло юксалишида муҳим омили бўлмоқда. Масалан, армия мактабиди ўтаган ва ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга республика олиий ўқув юрталарига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи микдориди қўшимча балл бериш жорий этилган эди. Ўтган йиллар давомида ана шу имтиёздан фойдаланган қўллаб-ёшлар ўз мақсадларига эришишди. Улардан бири Андижон туманилик Абдулла Маҳкамбоевдир.

Абдулла Тошкент давлат техника университетининг нефть ва газ факультетида давлат гранти асосида қабул қилинган. Бу йил иккинчи босқични якунлади. Тенқурлар орасида ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан алоҳида ажралиб турди. Устозлар ҳам ана шундай йиғинга таълим-тарбия бераётганларидан хурсанд.

— Яратилаётган имкониятларга муносиб жавоб қайтариш, яхши ўқиб, келажақда юртимиз равақига ҳисса қўйиш бурчимиздир, — дейди Абдулла. — Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар таъминини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшларимиз учун ўзига ҳос туҳфа бўлди, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Дилшод Эргашев. — Унга мувофиқ, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва тавсиянома олган абитуриентлар тест синовларида жами тўплаш мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи эмас, энди 27 фоизи микдориди қўшимча баллга эга бўлади. Керакли балл тўплай олмаган абитуриентларга шу тўплаган бали билан кириш имтиҳонидаги фанлар блокларига мос

Ўтган йили мuddатли ҳарбий хизматдан тегишли тавсиянома билан қайтган, шу даргоҳга тўлов-контракт асоси-

имтиёз

да ўқишга киргандим. Фанларни яхши ўзлаштирган, ижодкорлигини намоийш этган, турли тадбирларда, жа-

ва рағбат

моат ишларида фаол қатнашганларга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлов-контракт суммасининг 35 фоизи тўлаб берилишидан яхши хабардор эдим. Шу боис мазкур имкониятдан фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилиб, ўз иқтидоримни кўрсатишга интилдим ва мақсадимга эришдим. Бу ҳам қўшимча моддий ёрдам-да. Бундан оиламдагилар ҳам жуда хурсанд.

Ҳадемай, сафимизга армия хабарини аъло даражада ўтаб қайтган йиғитлардан яна бир гуруҳи қўшилса, ажаб эмас. Чунки улар учун имтиёзлар янада кенгайтирилади. — Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар таъминини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшларимиз учун ўзига ҳос туҳфа бўлди, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Дилшод Эргашев. — Унга мувофиқ, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва тавсиянома олган абитуриентлар тест синовларида жами тўплаш мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи эмас, энди 27 фоизи микдориди қўшимча баллга эга бўлади. Керакли балл тўплай олмаган абитуриентларга шу тўплаган бали билан кириш имтиҳонидаги фанлар блокларига мос

ди. Биз шу орқали ўқишга киришга истагидоғи ёшларнинг билимини янада бойитишга эришишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бухоронинг энг чекка туманларидан бири — Пешкунар Қалъа қишлоғида яшовчи Жонибек Жумаев шу йил баҳорда мuddатли ҳарбий хизматдан ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаси билан қайтди.

— Мuddатли ҳарбий хизмат даврида қомандирларимизнинг ўғити, кўмаги билан ҳам маънан, ҳам жисмонан савиямиз юксалди, — дейди Жонибек Жумаев. — Бизга яратиб берилган шароитлар — компьютер, маънавий-маърифий тайёргарлик хоналари, ахборот-ресурс маркази... Ҳаммаси ҳавас қилгулик. Ўқув-машғулот жараёнида эса энг сунғи ҳарбий техника ва технологиялар ёрдамида ўтилди. Буларнинг барчаси аскарларнинг ҳар жиҳатдан камолга етиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди. Менинг ҳам ниятларим улкан. Олий ҳарбий таълим муассасаларида бирида ўқисам, келажақда офицер бўлсам, дейман. Чунки шу касбга меҳрим бошқача. Ана шу мақсадда тест синовларига тайёргарлик кўраётганимда, Президентимизнинг жорий йил 31 майда имзоланган қароридан кўнглим ёришиб кетди. Қарорни газетадан диққат билан ўқиб чиқдим. Имтиёзлар жудаям катта. Бундан унумли фойдаланиб, иқтидоримизни намоийш этиш эса ўзимизга боғлиқ.

Жасурбек, Абдулла, Маъруфхон, Жонибек сингари аҳди қатъий, мард, улкан орзуларни қалбига жойлаган йиғитларимизнинг келажақда дадил интилиши барчамизни қувонтиради. Шубҳасиз, бундай соғлом авлоднинг катта ҳаётга ҳал қилувчи куч сифатида кириб келишида Президентимиз бошчилигида барпо этилган миллий армиямиз бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Шавкат ОРТҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — жанубий Корея бизнес-форуми

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик барқарор кенгайиб бораётди. Иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўтган йили икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг саксондан ортқ компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасоғзлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, энгил саноят, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Айниқса, “Кореан Эйр” авиакомпаниясининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти худудидидаги трансконтинентал интермодал ҳаб билан боғлиқ фаолияти диққатга сазовордир. Бу ердан ҳар ҳафтада Осиё ва Европанинг йирик иқтисодий ва молиявий марказларига 24 тагача парвозлар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея бизнеси вакиллари “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўзаро манфаатли қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Бизнес-форум иштирокчилари 2011 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентлиги ўртасида имзоланган уч томонлама англашув меморандуми мамлакатларимиз ўртасида молиявий ва техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга, электрон давлат харидлари тизимини жорий этиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

— Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, — деди Мин Хюн Чжон. — Ўзбекистонда электрон таъминот тизимини татбиқ этишга катта эътибор қаратилаётганининг ғувохимиз. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида қатор истиқболли иқтисодий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётди. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилмоқда. Ушбу форум келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш ва мустақамлашга катта ҳисса қўйиши, шубҳасиз.

Делегация аъзолари мамлака-

тимизда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қўлай сармоявий муҳит Жанубий корейлик ишбилармонларнинг ҳам қизиқишини тобора ошираётганини қайд этдилар. Анжуманда Жанубий Кореянинг бир неча фирма ва компанияларидан қўллаб-қувватлаш иштирокидаги эътиборини кучайтираётганидан далолатдир.

Форумда корейлик ишбилармонларга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, давлат харидларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, бу соҳаларни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, ушбу тараққийларни тараққий эттиришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қурилиш, ахборот технологиялари, энергетика, сув ҳўжалиги соҳаларига ихтисослаштирилган корхоналар ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Касаначилик фаолияти

хотин-қизлар бандлиги ва оилалар фаровонлиги хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Жумладан, Самарқанд вилояти маҳалларида миллий хунармандчилик, каштачилик, тикувчилик ва қандолатчиликни ривожлантириш асосида хотин-қизларни касаначиликка изчил жалб этишга эришилмоқда. Масалан, Нуробод туманидаги Сазаган маҳалласида истиқомат қилувчи Фазилат Нариманова гиламчиликни йўлга қўйиб, 30 нафар касаначига иш берди. Шу туманининг Жом маҳалласида яшовчи Қундузой Худоевора ҳам шу ҳунар билан шўғуланмоқда. 20 га яқин касаначи унга яқиндан кўмаклашаётди. Пахтачи туманидаги Добусқалъа маҳалласидан Адолат Эркаева тикувчилик цехини очиб, 10 дан зиёд кизни фаолиятнинг ушбу турига жалб қилди. Бундай хайрли ишлар фермерлик ва оила-

вий бизнес йўналишларида ҳам кўзга ташланади. Буларнинг барчасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббускор бўлаётганлиги эътирофга молик.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим. Чунончи, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тўртқўл тумани бўлинимаси ташаббуси билан “Тўртқўл хунармандлар маскани” корхонаси ташкил этилган, бу ерга ўнлаб хотин-қиз касаначи бўлиб ишга жойлашди. Фонднинг Нукус бўлинимаси қошида ишга туширилган “Файри нағис”, Кегейли туманидаги “Дамир мобайл” корхоналари ҳам бугунги кунда ўз касаначиларига эга. Умуман, ҳозирги пайтда қорақалпоғистонлик юзлаб хотин-қизлар нафақат худуддаги йирик корхоналар, балки фермер

хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг касаначилари ҳисобланганида.

Ўз навбатида, касаначилик иш ўринларида хотин-қизларни жалб этишда меҳнат ярмаркаларининг ўрни катта бўлаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, ўтган йили Тошкент вилоятида ташкил-лаштирилган бундай ярмаркаларда 4 мингга яқин корхоналар 20 мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этган эди. Натижада 13 мингга яқин хотин-қиз ишга жойлашди. Уларнинг 4600 нафари касаначиларидир. Шундан 2677 нафари пудрат шартномаси, 1413 нафари хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳисобиغا касаначи сифатида иш билан таъминланди. Шунингдек, Ангрен, Бехобод,

Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Янгийўл, Паркент, Қибрай, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Бустонлик, Юқори Чирчиқ, Бўжа, Куйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Зангиота туманларидаги хунармандлар уюшмаларига 234 нафар хотин-қиз касаначи сифатида бириктирилди.

Мухтасар айтганда, юртимизда касаначилик ҳаракатини кенг ривожлантириш натижасида ташкил этилган иш ўринларига хотин-қизларни жалб қилиш ва шу орқали оилалар фаровонлигини оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва таъсири тобора ошиб бормоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қўриб етади.

М. АРИПОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.

Молия муассасаларида



Аҳоли турмушини фаровонлаштириш — мамлакатимизда изчил амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири. Бунинг натижасида одамлар эркин меҳнат қилиш, касб танлаш имконига эга бўлмоқда. Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, улар томонидан рўйбага чиқариладиган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз.

Тадбиркорлик равнақи — фаровонлик мезони

Рақобатбардош, замонавий, илгор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар фаолиятини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини муттасил ошириш, юртдошларимизнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда молия муассасаларининг муносиб ҳиссаси бор. Негаки, банклар томонидан ажратилаётган маблағ ва кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида барча тармоқларда барқарор ўсиш суръатлари кузатишмоқда.

Этиборли жиҳати, бу жараёнда "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилояти филиали ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда мазкур филиал жамоаси 55 мингдан зиёд яридан ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келаётир. Хизматлар кўламининг кенгайиши ва миқдор билан ишлаш жараёнининг изчил йўлга қўйилгани натижасида унинг активлари олдинги йилдагига нисбатан 38 миллиард сўмга кўпайиб, 155 миллиард 839 миллион сўмга етказилди.

Маълумки, ҳар бир молия муассасасининг салоҳияти бу ерда ташкил этилган хизмат турлари қай даражада эканлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, банк жамоаси вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхонала-

ри фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш орқали улар ҳажмини оширишга сезиларли даражада улуш кўшатири.

Жорий йилнинг ўтган даврида филиал томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдорини ўтган йилдагига нисбатан 1,4 бараварга ошириш мақсад қилинган ҳам бунинг тасдиғидир. Яъни барча молиялаш манбалари ҳисобидан 23,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, филиал жамоаси шу йилнинг ўтган беш ойида 102 та кичик бизнес субъектига 9 миллиард сўмлик яқин кредитлар ажратди ва бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар ўсишга эришилди. Бунинг ҳисобига 112 та иш ўрни ташкил этилди.

Масалан, Богот туманидаги "Darital Tekstil" масъулияти чекланган жамиятига калава ип маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағи йўналтирилди. Ҳозир ушбу корхонада қурилиш-монтаж ишлари ақнига етказилмоқда. Бу ерда энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар ёрдамида йилга 6 минг 300 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 5 минг тонна калава ип тайёрлаш имконияти яратилди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 80 фоизи хорижга сотилади.

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банкининг сармоялари аҳоли учун ҳаётий зарур маҳсулотлар-

ни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтирилмоқда. Мисол учун, Урганч шаҳрида фаолият юритаётган "Мунис нон" масъулияти чекланган жамияти банкнинг 20 миллион сўмлик кредити эвазига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Эйтиборлиси, корхона ишлаб чиқаришдан кўрилган фойда ҳисобига кредитни муддатидан олдин қайтаришга ҳам улгурди. Шундан кейин банк корхона фаолиятини кенгайтириш учун яна 100 миллион сўм сармоя берди. Бу маблағ эвазига янги замонавий технологиялар харид қилинди ва кунига қўшимча 8 турдаги бир тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилиб, яна 5 киши ишга жалб этилди.

Урганч шаҳридаги "Монана-Омон" масъулияти чекланган жамияти эса банкнинг 219 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан замонавий тиббий ускуналар харид қилиб, ҳудуд аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсата бошлади. Вилоят марказидаги "Бунёд йўловчи ташиш" масъулияти чекланган жамияти ҳам

маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилиб, яна 5 киши ишга жалб этилди.

Қисқача айтганда, "Асака" банкининг Хоразм вилояти филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар вилоят аҳолиси турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI

миллий валютадаги қуйидаги муддатли омонатларнинг муддатли узайтирилганини маълум қилади:

- «ЖОЗИБАЛИ»
 - Сақлаш муддати — 4 ой.
 - Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
 - Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
 - Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- «СЕРДАРОМАД»
 - Сақлаш муддати — 5 ой, 8 ой ва 1 йил (мижоз хоҳишига кўра).
 - Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
 - Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
 - Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- «САДОҚАТ»
 - Сақлаш муддати — 6 ой.
 - Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
 - Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
 - Бошланғич бадал миқдори чекланмаган.

Омонатларга маблағ қабул қилиш 2012 йил 1 октябрга қадар амалга оширилади.

ЖАМҒАРАМАЛАРИНИНГ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 7 август кунини соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилган:

- Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:
 - ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.
 - Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 156 925 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 501,0 кв.м. бўлган, 5 хонали, пишқ гиштан қурилган уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 362 031 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобог кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган 2 қаватли уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 280 707 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 348 190 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қибрай 1-тор кўчаси (собик М. Жалил 1-тор кўчаси), 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 322 729 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ПТЗ-1 мавзеси, 21-уй, 17-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,42 кв.м. бўлган уй-жой.
- Бошланғич баҳоси — 46 424 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 185 948 000 сўм.

10. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирхосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 315 873 000 сўм.

11. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирхосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 353 568 000 сўм.

12. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирхосилбой кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 301 315 000 сўм.

13. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалоба кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 кв.м. бўлган, пишқ гиштан қурилган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 202 844 000 сўм.

II. Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

ФИБ Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2011 йил 11 августдаги 1-2693/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 221-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 380,0 кв.м., 4 та яшаш хонаси, ошхона, ҳаммом ва дарвозахонадан иборат бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 47 000 000 сўм.

Талабдорлар диққатига! Ушбу аукцион савдосига сотилмаган кўчмас мулкларнинг тақрирӣ очиқ аукцион савдоси 2012 йил 22 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳоси бир кун қолгандан соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилоти — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: RR-0017.

Давлат божхона қўмитаси

Миллий кинология маркази

ўзи эгаллаб турган ер майдонида 42х32 м. ўлчамда «Туғуруқ комплекси»ни қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

Танлов ҳужжатлари тўпلامини ваколатли қатнашувчилар қуйидаги манзилдан олишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй.

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 257-74-99, 258-63-22.

Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг

Ўзбекистондаги вакили

ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Кувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Кувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 9 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

SUVMASH

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

НАСОСЛАР

тайёрлайди ва таъмирлайди

- «Д» «ЭЦВ» РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
- «Д» РУСУМЛИ ЁТИҚ
- «К» РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
- «НК» НЕФТЬ НАСОСЛАРИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
- шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайин Бойқаро кўчаси, 13.
Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.
E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru sales@suv mash.uz www.suv mash.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси Диншунослик ва жаҳон динларини қўсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси профессори Аҳаджон Ҳасановга рафиқаси

ГҲЛЧЕХРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Саноатгеоконттехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси инспекциянинг Хоразм минтақавий инспекцияси собиқ бош мутахассиси

Саъдулла ШЕРМЕТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Лондон — 2012»

Дунёда спорт мусобақалари кўп. Аммо улар орасида Олимпиада ўйинларининг мавқеи ва нуфузи анча юқори туради.

Гарчи ушбу мусобақа тарихи жуда узоқларга бори тақалса-да, замонавий кўринишдаги Олимпиада ўйинларига 1894 йилда асос солинган.

лаш керакки, 1993 йилнинг сентябрь ойида Халқаро Олимпия кўмитасининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси юртимизда спортни ривожлантиришга ҳисса қўшиш баробарида, Олимпия харақати ҳамда қадриятларини

нинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган қишки Олимпиадада иштирок этган эди. Ушундан хамюртимиз Лена Черязова фристайл баҳсларида олтин медални қўлга киритганди. 1996 йилда Атланта (АҚШ) шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинлари

Ўткирбек Ҳайдаров бронза медаллари билан тақдирландилар. 2008 йилда Пекинда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз спортчилари битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медали билан қайтишди. Ушбу ғалабага Артур Таймазов, Абдулла Тангиев, Сослан Тигиев, Ришод Собирова, Антон Фокин, Екатерина Хильо муносиб ҳисса қўшди.

— Жорий йилнинг энг нуфузли спорт тадбири, бу — Лондонда бўлиб ўтadиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларидир, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Ушбу беллашувларга спортчиларимизнинг муносиб тайёргарлик кўришларида давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлмоқда. Мазкур муҳим ҳужжатга мувофиқ, спортчиларимиз белгиланган меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинлари ўтказишлари, мажоратларини оширишлари, турли халқаро мусобақаларда қатнашиб, тажриба тўплашлари учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Бу борада амалга оширилган ишларнинг самараси ўтган йиллар давомида бир қатор нуфузли турнирларда қатнашган вакилларимиз спортнинг велоспорт, енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшакка эшиш, бадий гимнастика, бокс, дзюдо, таэквондо (WTF), спорт гимнастикаси, сузиш, эркин кураш, юнон-рум кураши, оғир атлетика каби йигирмага яқин турлари бўйича 56 та йўлланмани қўлга киритганликларидан яққол намоён бўлди.

Истеъдод, маҳорат ва шижоат уйғунлиги

Таъкидлаш керакки, Олимпиада ўйинлари моҳиятан руҳий ва жисмонан етук кишиларнинг маҳорат, кучлилик, энцилик бобидаги ҳалол беллашуви саналади. Масалан, буюк олим Пифагор бокс бўйича Олимпиада чемпиони бўлганлиги, файласуфлар Суқрот ва Платон, драматурглар Софокл ва Еврипид, шунингдек, юнон маданиятининг бошқа кўплаб намояндalари Олимпиада ўйинларида қатнашганлиги бу қадимий спорт байрамнинг ўша замонларда ҳам нечоғлиқ оммавийлик касб этганидан далolat беради.

Албатта, тарих гилдираги бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис тамаддунларга бақамти равишда Олимпиада ўйинлари ва уни ўтказиш ҳам тақомиллашиб борди. Хусусан, 1913 йилда Олимпиада ўйинларининг рамзи ҳисобланган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли рамзий беш халқа яратилди. Бу Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсоли ҳисобланади. Айни пайтга келиб, Олимпиада ўйинларида икки юздан зиёд мамлакат вакиллари спортнинг ўттиздан ортқи тури бўйича совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Истиклол боис она-Ватанимизнинг моҳир спортчиларига ҳам мазкур нуфузли байрамда муносиб қатнашишлари учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Бунда, албатта, мам-



ла-кати-ми з да Президентимиз раҳна-молиги да соғлом ва баркамол авлодни воғга етказиш йўлида спортга алоҳида аҳамият қаратилаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Жумладан, юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий, халқаро андозалар даражасида жиҳозланган спорт иншоотлари, майдончалари, сузиш ҳавзалари барпо этилмоқда. Ушбу мажмуалар малакали мураббийлар билан таъминлаб борилаётди. Тизимли асосда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида янгидан-янги истеъдодлар кашф этилиб, улар эндиликда халқаро майдонларда Ватанимиз шайни муносиб ҳимоя қилишяпти.

Улар орасида Олимпиада дастуридан ўрин олган спорт турлари билан шуғулланиб, юксак натижаларни қўлга киритаётганлари ҳам кўпчилики ташкил этади. Шунингдек, таъкид-

тарғиб этиб келади. Хусусан, 1993 йилдан буён Ўзбекистон МОК ва ХОК билан ҳамкорликда бир қатор кўша таълим дастурлари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тарғиботи бўйича турли тадбирларни ўтказиб келмоқда. ХОК ёрдамида, масалан, 1997 йилдан 2011 йилгача мутахассисларимиз малакасини ошириш бўйича 40 дан ортқи семинарлар ташкил этилиб, ўқув машғулотларига бокс, гимнастика, енгил атлетика, теннис, футбол, қиличбозлик, дзюдо, сузиш, кураш, волейбол каби бир қатор Олимпиада дастурига киритилган спорт турлари вакиллари жалб қилинди.

Айтиш жоизки, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг спортчиларимиз илк бор 1994 йили Норвегия-

да эса ҳамюртларимиздан дзюдочи Армен Багдасаров кумуш ҳамда боксчи Карим Тўлаганов бронза медали билан тақдирланди.

2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев (бокс) ёзги Олимпиада ўйинларида илк олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, мазкур нуфузли мусобақада битта кумуш ва бронза медаллари юрдошларимизга насиб этди.

2004 йилда Афинада бўлиб ўтган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари спортчиларимиз учун янада омадли келди. Унда Артур Таймазов, Александр Доктурашвили олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодиржон Султонов ва

Юксак истеъдод ва маҳорат соҳиби бўлган спортчиларимиз бу сафарги Олимпиада ўйинларида ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб, шода-шода медаллар билан ҳамюртларимизни хурсанд қиладилар.

Фозлиддин АБИЛОВ.

Замонавий шифохона

Анджон вилояти марказида шифохоналар сони яна биттага кўпайди. Гап шундаки, тадбиркор Абдурахмон Юсупов «Эталон мед сервис» давлолаш ва диагностика марказини ишга туширди.

Саломатлик

Бунинг учун 700 миллион сўм ҳолатда 26, поликлиника шароити-сарфланди. Муассаса стационар да эса кунига 120 нафар беморни

қабул қилиш имкониятига эга. Тиббиёт масканида 18 нафар малакали мутахассис кардиология, дерматология, неврология ҳамда физиотерапия йўналишларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(6 июль)



Table with weather forecasts for Qoraqalpogʻiston, Buxoro va Navoiy, Toshkent, Samarqand, Qashqadaryo va Surxondaryo, Andjxon, Namangan, and Toshkent shahrida.

Advertisement for 'Kuchmas mulk' real estate agency, including contact information and a list of services.

Advertisement for 'Halq S'uzi' newspaper, including subscription information and contact details.

Advertisement for 'Bosh muharrir Utkir Raxmatov', including contact information and a list of services.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Oliy va Urtta Maxsus Ta'lim Vazirligi' regarding a center for training teachers.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.

Advertisement for 'Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 21 noyabrda' regarding a tender for a school building.